Жиноий жазоларнинг ижтимоий-фалсафий асослари

Розиков Илхом Истамович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, Бухоро давлат университети ўқитувчиси, адвокат, медиатор +9989432321805

ilhomroziqov5@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур maqolada жиноий жазо назарияларнинг тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. maqolada жазо назарияларининг моҳиятини яхшироқ англаш учун жазонинг тарихий ривожланиши, мақсадлари ва айбдор шахсга таъсири ҳақидаги асосий назариялар ва қарашлар таҳлил қилинади, шунингдек уларнинг асосида жазонинг моҳияти ва унинг мақсадларини англаш ҳозирги вақтда жиноят қонунчилигида жазо ҳисобланмайдиган жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа, муқобил чораларнинг моҳияти аниқланади. Уларни амалда қўллаш муаммоси ҳақида фикр билдирилган.

Қонун чиқариш жараёнида энг қийин иш,-деб ҳисоблайди Форобий Авлотуннинг фикрига қўшилиб,-бу- қонунни ҳаётга татбиқ этишдир, ундан шубҳаланиш ва шикоят қилиш эса жуда осон.[1] Дарҳақиқат назарияни тадбиқ этиш механизмини яратиш мураккаб бўлиб, унинг асосий қоидаларини танқид қилиш эса осон. Бу эса урбанизация ва маргинализм жараёнлари таъсиридаги замонавий жамиятларларнинг кўпи юзма-юз келаётган ҳуқуқий нигилизмнинг энг биринчи бегиларидан биридир.[2]

Аммо ҳозирги кунда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланганлиги сабабли бир қатор қарашлар ва назарияларни қайта кўриб

[1] Аль-Фараби, Философсие трактаты.Алма-Ата: “Наука”, 1972-(L) 430 с.
[2] Ражабова.М.А. Шариатда жиноят ва жазо муаммолар, Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлиги академияси, -Т: 1996 й, диссертация №Д 343Ўз р17.

чиқиб, ижобий томонларини ҳозирги жамиятга қўллаш масаласи муҳокама этилиши лозим.

Жазонинг умумий таълимоти, унинг ижтимоий масалалари фалсафий асослари узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозирги кунга қадар мунозарали мавзу бўлиб қолмоқда. Жазо назарияларининг долзарблиги нафақат ҳуқуқшунослар, балки сиёсатчилар, файласуфлар, социологлар, ўқитувчилар, психологлар, тиббиёт ходимлари учун ҳам кенг муҳокама майдонига сабаб бўлмоқда.

Жазо мавзуси бир неча бор файласуфларнинг яқиндан ўрганиш мавзусига айланди, чунки жазоларни амалга ошириш бўйича аниқ сиёсатни амалга ошириш учун маълум бир меъёрий назария талаб қилинади ва айнан шу нарса фалсафий акс эттиришга қодир эди. Жиноий сиёсатдаги жазо билан боғлиқ ўзгаришлар, у ёки бу тарзда, фалсафий асосга эгадир.

Шунинг учун, умуман, тадқиқот мавзусининг долзарблиги, жазонинг асосий тамойилларини норматив назария даражасида шакллантирадиган фалсафа эканлиги билан белгиланади, бу эса ўз навбатида муайян жамиятда жазо тайинлаш ва амалга ошириш амалиётига таъсир қилади.

Дастлаб жазо мавзусини ўрганишнинг тарихий ва фалсафий тажрибаси Платон, Аристотел, Цицерон, Ф.Аквинский, Волтер, Ч.Бекария, Г.Гроциус, Т.Гоббс, Ж.Локк, И.Кант, Гегел ва бошқаларнинг асарларида фикр билдирилган. Жазо муаммосини ўрганишнинг миллий фалсафий ва ҳуқуқий анъаналари Н.Салаев, Қ.Абдурасулова, М.Рустамбоев, Қ.Пайзуллаев ва бошқалар асарларида мавжуд.[3]

Айнан жазонинг ижтимоий-фалсафий таҳлили унинг кўп қирралилигини очиб беришга имкон беради, бу ҳодисанинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳодисалари билан детерминистик ва бошқа ўзаро боғлиқлигини очиб беради.

Жиноятчилик тарихи ва фалсафа илми билан танишиш жараёнида шунга амин бўламизки, қонун турли даврларда жиноий жазоларнинг роли ва аҳамияти

[3] Мазкур олимларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида мавжуд.

турли хил илмий мактаблар томонидан турлича баҳоланиб баъзан қарама-қарши мулоҳаларга сабаб бўлган.

Қадимги ва кейинги даврларнинг кўплаб файласуфлари жиноятчиликка қарши курашда ягона восита жазо деган ишончли фикрга келганлар. Баъзи бирлари эса аксинча, жазолаш вақтинчалик тажриба бўлиб, жазолаш ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ёрдам бермаганлигини, аксинча фақат зарар етказганлигини таъкидлашган.

Бошқаларнинг фикрига кўра, жазо давлат ва жамият ҳуқуқий ҳаётининг объектив ҳодисаси сифатида баҳоланиб, ҳар доим ҳам самарали бўлмасада, улар барибир зарурлиги ҳақидаги хулосага келишган.

Ушбу холатлардан кўринадики, жазо шахсий зиддият ўртасидаги муносабатни бартараф этиш, жамият ва давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш воситаси сифатида ҳам ишлатилади.

Турли давлатларда жазо институтини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳал қилувчи ролни, ҳар бир жамиятда шахснинг ҳолатидан, шунингдек унинг шахсини (ҳуқуқий мавқеини) қай даражада тушунилишидан келиб чиққан. Шунингдек, жазонинг турлари, тизими ва мазмуни жиноятчилик ва унинг ўзига хос омилларининг ўзгаришига қараб ўзгарган.

Жазо назариясидаги бир қатор илмий йўналишлар антик фалсафа ғояларига асосланган. Масалан, И.Кант ва Гегел томонидан ишлаб чиқилган жазо-интиқом фалсафий концепцияси мавжуд. Шунингдек, Афлотун, Пифагор ва антик даврнинг бошқа файласуфларининг фалсафий қарашлари ҳам мавжуд.[4]

XVIII асрнинг етук ҳуқуқшунос ва файласуфи италиялик Чезаре Беккариа Бонезананинг “Жиноятлар ва жазолар” асарида жазоларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ижтимоий фалсафий қарашларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Унинг жазо ҳақидаги ижтимоий-фалсафий қарашларини қуйидаги сатрлардан билиб оламиз:

[4] Беккариа.Ч, “О преступлениях и наказаниях”, Электронная библиотека RoyalLib. 2010-2021.

“Инсон хулқ-атвори асосида учта ахлоқий ва сиёсий тамойиллар мавжуд: илоҳий ваҳийлар, табиий қонунлар ва ижтимоий шартномалар. Улар тенг эмас ва биринчи манба қолган иккитасидан якуний мақсадлари билан фарқ қилади. Аммо уларнинг умумий хусусияти шундаки- ер юзида яшаш пайтида бахтга эришишга эътибордир.

Қонунлар- илгари мустақил равишда мавжуд бўлган ва бир-биридан алоҳида бўлган кишиларнинг жамиятга бирлашиш асосидир.

Ҳеч ким кафолат бера олмайдиган фойдасиз ва ғўр эркинлик билан курашишдан ва қувонишдан чарчаган, улар биргаликда хотиржам ва хавфсиз ҳаётдан баҳраманд бўлиш учун эркинликларининг бир қисмини қурбон қилишган.

Умумий манфаат учун хайрия қилинган эркинликнинг барча қисмлари халқнинг олий суверен ҳокимиятини ташкил этди ва уларнинг қонуний ҳомийси ва бошқарувчиси бўлди.

Аммо бундай жамоавий ҳуқуқ имтиёзлари улар учун етарли эмас эди. Уларни тажовузлардан ва биринчи навбатда, алоҳида шахсларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиниши керак эди, чунки ҳар бири нафақат ўз улушини қайтариб олишни, балки бошқасининг улушини ҳам ўзлаштирмоқчи бўлди.

Жамият қонунларини ибтидоий бетартиблик тубига ташлаб қўйишга ҳар бир алоҳида шахс руҳининг худбинликка мойиллигини олдини олиш учун уларнинг ҳиссиётларга таъсир ўтказиш зарур эди.

Ҳиссиётларга бўлган бу таъсир қонунни бузувчилар учун “жазо” сифатида хизмат қилади. Мен "ҳис-туйғуларга таъсир қилиш учун" дейман, чунки тажрибалардан маълум бўлганидек, омма ўзини тутишнинг қатъий қоидаларини ўргана олмайди ва парчаланиш умумий қонунига қарши тура олмайди, унинг намоён бўлиши ҳам жисмоний ҳодисалар дунёсида ва ахлоқ соҳасида кузатилади.

Омма ўзини тутишнинг қатъий қоидаларини ўзлаштиришга ва жамият парчаланишининг ҳалокатли кучига қарши туришга ундаш фақат тўғридан-тўғри ҳиссиётларга таъсир қилиш орқали мумкин. Бу онгда доимий равишда сақланиб қолади ва умумий манфаатни инкор этадиган кучли эҳтиросларнинг намоён бўлишига қарши мувозанат вазифасини ўтайди: атрофдаги оламнинг битмас-туганмас хилма-хиллиги боис на нотиқлик, на дабдабали нутқ, на баландпарвоз ҳақиқатлар узоқ вақт давомида эҳтиролар портлашидан сақланиб туролмайди.

Ўта зарурият билан белгиланмаган ҳар қандай жазо, мутафаккир Ш.Монтескъенинг сўзларига кўра, зўравонликдир. Ушбу баёнот янада умумий шаклда қуйидагича ифодаланиши мумкин: инсоннинг инсон устидан ҳокимиятининг ўта зарурат туғдирмайдиган ҳар қандай намоён бўлиши зулмдир.

Шундай қилиб, олий ҳокимиятнинг жиноятларни жазолаш ҳуқуқи ўзига ишониб топширилган жамоат фойдасини алоҳида шахслар эгаллаб олишидан ҳимоя қилиш зарурлигига асосланади. Хавфсизликнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқи қанчалик кўп таъминланса, давлат томонидан фуқароларнинг эркинлиги кафолати шунчалик ишончли бўлса, жазо шунчалик адолатли бўлади.

Агар биз инсон табиатига мурожаат қиладиган бўлсак, унда олий ҳокимиятнинг жиноятларни жазолаш ҳуқуқининг ажралмаслигини тасдиқлайдиган бир хил асосий тамойиллари мавжудлигини аниқлаймиз. Агар ахлоқий соҳада олиб борилаётган сиёсат инсон табиатига хос бўлган абадий туйғуларга асосланмаса, ахлоқнинг сезиларли даражада яхшиланишига умид қилиш мумкин эмас. Мазкур ҳис-туйғуларга зид бўлган ҳар қандай қонун муқаррар равишда қаршиликка дуч келади. Охир оқибат унга ташқаридан етказилган доимо ҳаракат қилувчи куч, доимий бўлмаган битта импулсни енгиб чиқадиган катта кучга айланади.

Ҳеч бир одам ўз эркинлигининг бир заррасини ҳам фақат жамоат манфаати учун текин қурбон қилмаган. Аслида, агар ҳар биримиз бундай имкониятга эга

бўлсак, унда битимлар бизни эмас, бошқаларни мажбурлашини истардик. Ҳар ким ўзини коинотнинг маркази деб тасаввур қилади.

Инсон зотининг кўпайиши, ўз-ўзидан аҳамиятсиздир, аммо табиат моддий неъматларининг чекланганлиги ва ёввойилиги ўсиб бораётган инсон эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд бўлган имкониятлардан ҳаддан ташқари ошиб кетиши биринчи ваҳшийларнинг бирлашишига олиб келди. Биринчи уюшмалар муқаррар равишда кейинги бирлашмаларнинг шаклланишига олиб келди ва бошқаларга қарши чиқди. Шундай қилиб, шахслар ўртасидаги уруш ҳолати халқлар ўртасидаги урушга айланди.

Шундай қилиб, фақат зарурат одамларни шахсий эркинлигининг бир қисмидан воз кечишга мажбур қилди. Шу билан бирга, ҳар бир киши давлатга ўз эркинлигининг зарур бўлган минимал миқдорини қурбон қилишга ҳаракат қилгани аниқ, бу бошқаларни уни ҳимоя қилишга ундаш учун етарли эди. Ушбу минимал улушларнинг бирлашмаси жазолаш ҳуқуқини ташкил этади.

Ҳуқуқ, кучнинг аксарияти учун энг фойдали бўлган кўринишларидан биридир. Адолат деганда, мен керакли шахсий алоқани назарда тутаяпман, бунинг натижасида шахсий манфаатлар бирлиги сақланиб қолади ва уларсиз ибтидоий жамоагача бўлган даврга қайтади.

Ушбу алоқани сақлаб қолиш зарурийтидан ташқарида бўлган ҳар қандай жазо ўз моҳиятига кўра адолатсиздир. "Адолат" сўзига моддий ҳақиқат хусусиятларини киритмаслик, унда қандайдир жисмоний куч ёки моддий оламнинг объектини кўриш керак. Бу шунчаки одамлар ўртасидаги тушунишга эришиш йўлини ифодалашга хизмат қилади, бу эса ҳар кимнинг бахтига чексиз таъсир қилади”[5].

Чезаре Беккариянинг юқоридаги ижтимоий фалсафий қарашлари ҳозирги кунда ҳам жуда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

[5] Беккариа.Ч. “О преступлениях и наказаниях”, Электронная библиотека RoyalLib. 2010-2021.

Ўзбекистонда жавобгарликнинг ягона асоси сифатида Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши белгиланган. (ЎзР ЖК 16-моддасининг 2-қисми).[6] Шунга асосан, жиноят қонунчилигининг ривожланиши маълум даражада жиноятлар таркибининг ва санкциялардаги ўзгаришлар билан боғлиқдир. Жиноят таркиблари ва санкциялардаги ўзгаришлар эса жамиятдаги жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Н.С.Салаев, Э.Х.Норбўтаев ва Қ.П.Пайзуллаевлар ҳамда Б.А.Бобокелдиевлар ҳам жиноий жазони республикамиз жиноят қонуни моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таърифлашга ҳаракат қиладилар.[7]

Профессор М.Х.Рустамбоев “Жазо – бу жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланиб, у жиноий жавобгарликни татбиқ этишнинг етакчи шаклидир”, деб таъкидлайди[8].

Ҳуқуқшунос олим М.Усмоналиевнинг фалсафий қарашларида эса, жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бўлиб, жиноят ҳуқуқи функциясини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий воситаси ҳисобланиши белгиланган. Жиноят ҳуқуқининг самарадорлиги кўп жиҳатдан жиноий жазонинг самарадорлиги ва унинг мақсади билан боғлиқдир.

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг жиноят ва жазо масалаларига оид қарашлари қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, соҳибқирон Амир Темур давлатида қатъий қонунлар, биринчи навбатда, шариат нормалари амал қилинган.[9]

Одатда жазо Жиноят қонунчилигида назарда тутилганлиги сабабли, қилмиш ёки жиноят аслида нима эканлигини билиш биз учун жуда зарур. Мазкур ҳолатда инглиз файласуфи Ж.Салмонднинг жиноятчиликка оид

[6] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон.
[7] Пайзуллаев.Қ.П., Салаев.Н.С., Бобокелдиев.Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда.–Т:,2005.–Б.9.
[8] Рустамбоев.М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т:, Илм-зиё, 2006. –Б. 265.
9 Бобоев.Ҳ . Амир Темур ва унинг қарашлари. – Т:, 1992. – Б. 75–76.

таърифини келтириш жоиз. Унинг фикрига кўра “жиноятчилик- бу бутун жамият учун зарарли деб топилган хатти-ҳаракат, аммо унинг бевосита жабрланувчиси шахс бўлиши мумкин.[10]

Илмий илоҳиётшуносларнинг жазога нисбатан ижобий қарашлари, қонуний жазони қўллаб-қувватлаш файласуфлар томонидан кўпроқ эътиборга олинганлиги сабабли, фалсафий тушунчалар ва "жазо назариялари"(яъни асослари) илоҳий жазоларни кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, муқаддас китоблари Қуръон ва Библиядаги “кўзга-кўз”, “ал қасос у минал ҳақ” қарашлари, интиқом (қасос) жазо назариясининг фалсафий ёндошувига мос келади[11].

Жиноят-ахлоқий нотўғри ҳаракатлардан фарқли ўлароқ, оммавий бўлиб, давлатга, жамоага ёки шахсга қарши қилинган ижтимоий хавфлилиги юқори қилмишлардир (шу сабабли жазоланади). Кўпгина жиноятлар ахлоқсиздир, аммо ахлоқсиз деб топилган барча ҳаракатлар ноқонуний эмас, шу сабабли жазоланмайди.

Албатта, қайси ҳаракатлар ахлоқсизлик ва қайси ҳаракатлар жиноят деб ҳисобланиши ҳар бир давлатдаги мавжуд ахлоқий меъёрлар асосида белгиланади. Мисол учун ерга тупуриш ҳаракати узоқ шарқ мамлакатларида ҳуқуқбузарлик ҳисобланса, бизнинг мамлакатимизда асосан ахлоқсизлик меъёри ҳисобланади.

Мисол тариқасида, келинни ўғирлаш одати қадим замонлардан бери мавжуд. Ўрта Осиё халқларидан фарқли ўлароқ, татарлар орасида, ҳатто қадимги даврларда ҳам қизни ўғирлаш, бу фақат рамзий ҳаракат бўлиб, ўтган кунларнинг урф-одатларига ҳурмат эди. Келинни ўғирлаш ёки ўғирлаш йўли билан турмуш қуриш- бу Кавказ, Қирғизистон, Қозоғистон, Эфиопия ва шу каби урф-одатлар сақланиб қолган бошқа мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, қизни ўғирлаш ва мажбурий никоҳдан ўтказишдир. Бугунги кунда дунёнинг аксарият

[10] Salmond, Sir John William, Jurisprudence or the Theory of the Law (1902).
11 Салаев Н.С. Жиноий жазо: ижтимоий фалсафий тушунишга уриниш // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Ўзбекистана.Т:, - 2016, № 4. - Б. 58-60.

мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам бу никоҳнинг қонуний шакли эмас, балки жиноят деб ҳисобланади.[12]

Турли хил географик ҳудудларда жиноятчилик бир-биридан анча фарқ қилар экан, жазо турлари ва жиноятлар ижтимоий жиҳатдан белгилаб қўйилгани ҳақида аввал айтиб ўтилганидек ҳар хил бўлиши аниқ. Ҳаракат тури бир жамиятда жиноят бўлиши мумкин, бошқа жамиятда эмас. Масалан, эвтаназия Ҳиндистонда ҳуқуқбузарлик ҳисобланади, аммо Голландия каби кўплаб европада давлатларида бу қонунийлаштирилган. Аммо қотиллик сингари деярли ҳамма учун тан олинган баъзи жиноятлар мавжуд.

Жазо, аксарият ҳолларда фақат санкциялар билан аралашган бўлса ҳам, остракизм каби ахлоқий характерга эга бўлиши мумкин. Остракизм бирон бир жиноятда айбловлар билан боғлиқ бўлмаган, фуқаролик ҳолатини йўқотишга ва мол-мулкни мусодара қилишга олиб келмаган ва жазо сифатида эмас, балки профилактика чораси сифатида қаралган. Дастлаб, қадимги муаллифларнинг фикрига кўра, у зулмнинг тикланишига йўл қўймаслик учун ихтиро қилинган, аммо вақт ўтиши билан у оддий сиёсий кураш воситасига айланган.[13]

Ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг хилма-хиллигини ҳисобга оладиган бўлсак, биз қонуний ҳимоя чораларининг ҳам ўта хилма-хиллигини, аксарият ҳолларда қонуний бузилишлар туфайли келиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Бу қонунни бузаётганлар ҳуқуқшунос деб эътироф этилган шахслар орасида ҳам кўп учрамоқда. Ўзбекистон Республикаси судларида апелляция ва кассация тартибида кўрилиб, дастлабки босқич судларининг ва тергов органларининг қарорлари жуда кўплаб бекор бўлаётганлиги ушбу ҳолатни яққол тасдиқлайди. Ушбу вазиятга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахсларнинг қонунни тушунмаслиги ёки профессионал ҳуқуқий саводсизлиги;

[12] Гребенников.И.В., Ковинько.Л.В., Этика и психология семейной жизни: Пособие для учителя. — М.: Просвещение, 1987.
[13] Аристотель. Афинская полития / Перевод и примечания С. И. Радцига. — М:, Государственное социально-экономическое издательство, 1937.

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахсларнинг вазифасини нотўғри тушуниши (муайян вазифага тайинланиб, маош олаётганлиги учун айблаш вазифасини бажаришим шарт деб тушуниши, гарчи қонунларда мазкур ҳолат белгиланмаган бўлсада), яъни прокуратура, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўз вазифаларига фақат айблов нуқтаи назардан ёндошишлари, айбдор деб гумон қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб, шошма шошарликка йўл қўйиб уларни ноқонуний айблаш каби жиноятга қўл ураётганликлари;

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви, яъни ҳуқуқий саводсиз прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ўз вазифаларини нотўғри бажариши натижасида чиқарилган қарорни бошқа орган (асосан суд) ходимларидан тўғрилигини тасдиқлаши учун ўз хатоларини охиригача ошкор бўлмаслигини таъминлаш учун қонун билан бериб қўйилган ваколатларидан виждонсизлик билан фойдаланиб, агар улар олдига қайси бир давлат ходими чиққудек бўлса, уларни ҳам айбдор санаб турли қабих ҳаракатларни содир этиши (судьяга ёки бошқа ўз вазифасини виждонан бажараётган шахсларни сохта далиллар асосида айбдор деб топиш).

Юқоридагилар фикрларимизга мисол сифатида ҳукмларнинг бир нечтасини таҳлил қиламиз.

Жумладан, 2021 йил апрель ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, “Чўпон ота” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик килувчи судья Х.Ф.Хамидов ва бошқалар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинган Р.А.С.га нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиб, ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида ажрим чиқарган. Лекин судья ва тергов органлари гумон қилинган Р.А.С.га нисбатан ишни ярашув асосида тугатиб нотўғри хулосага келган. Чунки, Р.А.С. 2021 йил 13 январь куни тахминан соат

13:00ларда ўзганинг мулкини яширин йўл билан қўлга киритиш мақсадида Учтепа туманида жойлашган сартарошхонага гўёки сочини олдириш учун кириб, сартарош А.А.га тегишли бўлган нархи 1.000.000 сўм бўлган “Редми Нот 6 ПРО” номли телефон аппаратининг стол устидан ўғрилаб кетган[14]. Мазкур ҳолатда айбдор шахснинг ўғрилик қилиш мақсадида соч олдириш ҳаракати сартарошхонага кириш воситаси бўлиб хизмат қилган. Гарчи унинг мазкур ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддасининг 1-қисми билан малакаланиб, айбдор жавобгарликдан озод қилинган бўлсада, дастлабки тергов аслида Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан малакаланиши лозим эди, судлар эса ушбу хатони такрорлашган. Чунки гумонланувчи ўғрилик қилиш мақсадида сартарошхонга ғайриқонуний равишда кирган. Бунинг қонуний асоси сифатида Ўзбекистон республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги амалдаги қарорининг 9-бандида назарда тутилган “Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очиқдан-очиқ, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек, қўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек, қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлиши ғайриқонуний кириш деб баҳолаш керак” лиги ҳақидаги нормани мисол қилишимиз мумкин. Мазкур ҳолатда суд ажримини бекор қилиб, дастлабки тергов органи томонидан гумонланувчига 169-модда 2-қисм “г” банди билан айб эълон қилиши шарт[15].

[14] Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди томонидан 2021 йил 23 апрелда кўриб чиқилган 1-1007-2105/140-сонли жиноят иши. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларидан, 2020 йил.

[15] Ўзбекистон республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарори, 30.04.1999 й. N 6.

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2021 йил 5 апрелдаги ҳукмига кўра Б.К.А. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми“а” банди билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Иш ҳолатларига кўра жабрланувчи Б.Халилова телефонини сотиш учун эълон берганлиги, шундан сўнг унга нотаниш бўлган киши, яъни судланувчи телефон қилиб, “телефонингизни мен сотиб оламан, магазинда сотилиш нархидан 500.000 сўм зиёд пулга оламан” деганлиги, кейин у билан Денов шаҳрида учрашиб, “Барака” савдо марказига кириб телефонни нархини дўкончидан сўрашганлиги, у 1.500.000 сўм деганлиги, кейин ташқарига чиқишгач судланувчи телефонни 2 млн. сўмга олишини айтиб, унга телефон ва унинг ҳужжатларини беришни сўраганлиги, унга телефон ва ҳужжатларни берганлиги, судланувчи телефонда отаси билан гаплашиб олишини айтиб, гаплашган киши бўлиб, секин-секин ундан узоқлаша бошлаганлиги, кейин югуриб қочиб кетганлиги[16] ҳаракатлари талончилик жиноятининг белгиларига хос эмас.

Мазкур ҳукмда биринчи босқич ва апелляция судьялари жиноят таркибини умуман таҳлил этмаган, кўр-кўрона хулосага келган ёки билими етмаган. Мазкур ишда судланувчи томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда ифодаланган бирор-бир ҳаракат қилмаган. Ҳолбуки, пленум қарорига асосан жабрланувчи бор бўлсада, унга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширин талон-торож қилиш ўғрилик, алдаш йўли билан ўзлаштирганда эса фирибгарлик ҳисобланади[17]. Айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкини эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкини ошкора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланади. Мазкур ҳолатда жабрланувчи телефонини айбдорга ихтиёрий равишда берган,

[16] Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 18.05.2021 йилдаги №3-1-1905-2102/13 сонли ажрими.
[17] Ўзбекистон республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарори, 30.04.1999 й. N 6.

талончилик эканлигини англаб етмаган, унга нисбатан зўрлик ишлатилмаган ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ҳаракатлари содир этилмаган. Жиноят предмети айбдорнинг ихтиёрига ўтгандан ва тасарруф этишдан имкониятига эга бўлгандан кейин айбдор воқеа жойидан қочиб кетган. Шу сабабли айбдорнинг ҳаракатларини 166-моддасидан иш ҳолатларидан келиб чиқиб ЖКнинг 168 ёки 169-моддасининг тегишли қисмларига қайта малакалаш лозим бўлади.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Афсуски диссертация ҳажми чеклаб қўйилган.

Дж.Остиннинг ижтимоий фалсафий фикрларига кўра, одамларда жазодан қўрқиш борлиги учун қонунларга риоя қилишади.[18] Аммо, агар биз ушбу назарияни бугунги замонавий шароитда муҳокама қилсак ёки амалиётга жорий қилсак, унда "таъсир назарияси" умуман самаралари эмаслиги ёки одамлар онгида қўрқувни шакллантириб жиноятларнинг олдини олиш учун етарли даражада фойдали эмаслигига амин бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, статистик маълумотлардан келиб шуни тан олиш керакки, 2016 йилгача республикамизда жиноят содир этилиши натижасида оғирроқ жазолар тайинланиб судланганлар сони ҳар йил ошганлигини кузатимиз. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, яқин йигирма йилни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2000 йилда-73904 та, 2001 йилда - 74314 та, 2002 йилда - 77199 та, 2003 йилда-78925 та, 2004 йилда - 79129 та, 2005 йилда - 79883 та, 2006 йилда-82352 та, 2007 йилда - 83905 та, 2008 йилда - 88007 та, 2009 йилда - 89388 та, 2010 йилда - 90050 та, 2011 йилда - 90617 та, 2012 йилда - 90660 та, 2013 йилда - 90152 та, 2014 йилда - 89360 та, 2015 йилда - 87946 та, 2016 йилда - 87412 та, 2017 йилда - 73692 та, 2018 йилда - 49011 та, 2019 йилда - 46089 та жиноятлар содир этилган бўлиб жами 1.601.992 та жиноят содир этилганлигини

[18] Остин Джон, «Лекции о юриспруденции, или философия позитивного закона» DiekleineEnzyklopädie, Encyclios-Verlag, Zürich, 1950, Band 1, Seite 109.

кўришимиз мумкин.[19] Ушбу вазиятдан кўриниб турибдики, биз жазо масаласига қанчалик қаттиқ ёндошсак, жиноятчилик тенденцияси шунчалик ошганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли жазо сиёсатини инсонпарварлаштириш натижасида охирги 3 йил мобайнида жиноятчиликнинг ва судланганликнинг кескин пасайганлигига гувоҳи бўлимишиз мумкин.

Хулоса қилиб президентимиз Ш.Мирзиёевнинг жазо ҳақидаги миллатимизга хос ижтимоий фалсафий тушунчалари билан якунламоқчиман. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, аввалambор, тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқдир. Биргина мисол. Канаданинг 1 миллиондан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган Калгари шаҳрида жорий йилнинг 10 ойида автоҳалокатлар туфайли 10 нафар шахс нобуд бўлган. Ўзингиз солиштириб кўринг: жами 2 ярим миллиондан зиёд автотранспорт мавжуд бўлган бизнинг юртимизда эса, шу даврда 1 минг 600 дан ортиқ киши автоҳалокат қурбони бўлган. Бу – оғир кулфат, катта йўқотиш эмасми?! Биз йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирдик. Лекин шунинг ўзи билан муаммони тўлиқ ечиш мумкинми? Бунинг сабаби жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланмагани билан бевосита боғлиқ. Биз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни лозим даражада шакллантирмас эканмиз, ҳуқуқбузарликка чек қўймас эканмиз, қонунни бузиш ҳолатлари давом этаверади. Шунинг учун ҳуқуқий билимларни, қонунларнинг мазмун-моҳиятини таълим масканлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет ресурсларидан, адабиёт, санъат, диний муассасалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда, самарали усуллар билан тарғиб қилишимиз зарур.”[20]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: 1. Ўзбекистон республикаси президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга

[19] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-just

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли Фармони 14-банди, https://lex.uz/docs/5459107 2. Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда; Қонун ҳужжатлари маъ- лумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685- сон). 3. Ўзбекистон республикасининг “Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шах- сларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати би- лан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 14 март куни ЎРҚ-530-сонли қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон). 4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, https://www.lex.uz/acts/111453 5. Олий суд. Стат.уз. https://stat.sud.uz/file/2021/.